

“Тасдиқлайман”

Яккасарой МТБ мудири

Т.Н.Б. Рамаева



**Энг яхши таклифни танлаш буйича  
харид қилиш хужжатлари  
(Тошкент шаҳри Яккасарой тумани А.Каххор кўчасидаги 300-сонли  
ДМТТ биносини жорий таъмирлаш)**

<b>1. Танлов ўтказиш услуги</b>	Балл услуги (Энг яхши таклиф танлови учун) иштирокчилар томонидан электрон тарзда <a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> портали орқали такдим қилинган хужжатларнинг техник ва нарх қисмлари комиссия аъзолари томонидан сифат ва ишончилиги ўрганилиб баҳоланади, энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади.
<b>2. Иштирокчилар томонидан таклифларни такдим этиш муддати</b>	Ушбу эълон порталга жойлаштирилган кундан бошланиб, порталда тугаши белгиланган сана ва вақтгача
<b>3. Танлов хужжатларини тайёрлаш тили</b>	Ўзбек ва рус тилларида
<b>4. Боғланиш учун алоқа маълумотлари</b>	Яккасарой тумани мактабгача таълим бўлими хизмат бошлиғи- Б.Махмудходжаев +998977140250
<b>5. Буюртмачи манзили</b>	Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ўрикзор 2-тор кўчаси 45-уй

**Танлов иштирокчиларига асосий талаблар**

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи ҳужжат	Максимал балл
1	Ташкилотнинг давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги	Гувоҳнома нусхаси	2
2	Ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар сони 12 ва ундан юқорилиги (Ф.И.Ш., лавозими ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақида тўлиқ маълумот)	Маълумотнома	10
3	Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур асбоб-анжомлар ва техника воситаларига эгаллиги	Асословчи ҳужжатлар	5
4	Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги	Кафолат хати	5
5	Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги	Маълумотнома (Олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши керак)	5
6	Банкдан картотека мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома	Маълумотнома (Олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши керак)	5
7	Банкдаги шахсий ҳисобрақаида шартнома суммасининг 25%гача миқдорда пул маблағларининг мавжудлиги	Маълумотнома (Олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши керак)	10
8	Жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати (Асословчи ҳужжатлари билан)	Ишларни умумий бажариш графиги ва таклиф қилинган муддатда сифатли ҳамда смета талабларига мос равишда бажариб бериш учун кафолат хати	14
9	Танлов объектига (мактабгача таълим ташкилоти ёки мактаб каби) ўхшаш давлат буюртмачилигидаги объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси	Асословчи ҳужжатлар	15
10	Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги	Кафолат хати	2
11	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати	Кафолат хати	2
12	Қурилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингидаги ўрни	Маълумотнома (mc.uz сайтидан олинган маълумот асосида)	5

**Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.**

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда etender.uzex.uz порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

**Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.**

Иштирокчилар кўйилган талаблар учун тақдим қилинган ҳужжатларига, яъни техник қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 80 балл ва нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 20 балл. Умумий 100 балл тўплашлари мумкин.

**Эслатма:** Техник қисмдаги талабларни биронтасидан 0 балл олган иштирокчилар танловдан четлатилади.

**Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби.**

Ғолиб билан ҳисоб-китоб миллий валюта(сўм)да амалга оширилади. Танлов ғолибига 30% миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан) олдиндан тўлов ўтказиб берилади. Қолган маблағ ғолиб ташкилот томонидан шартнома бўйича таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг бажарилган ишлар ҳисоб-фактура ва далолатномалари буюртмачига тақдим этилгандан сўнг ўтказиб берилади.

Яккасарой МТБ эксплуатация  
хизмати бошлиғи



Б.Махмудходжаев